

МАХСУЛОТ СОТИШ ВА ХАРИД ҚИЛИШ

№ 30 СОНЛИ ШАРТНОМА.

"19" XII 2022 йил

Кува тумани.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи "BEGAT HILOL" МЧЖ (кейинги ўришларда "Сотувчи" деб аталади) номидан раҳбар Ф.Ашурматов биринчи томон ва иккинчи томон - Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан, фаолият юригувчи Б-иҳтисослаштириш, мактаб-интернат номидан раҳбари Ш.Бодиров келгусида "Харидор" деб аталади) ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилиди.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. "Сотувчи" "Харидор"га куйидаги маҳсулотларни етказиб беради:

пиёз маҳсулотлари учун

1.2. Мазкур шартномани умумий қиймати :

9000000 (Тоққуз миллион) сўм

(Бир қам сўз билан тўлиқ ёзилган) сўмни тўлиқ қилди

1.3. Маҳсулотлар куйидаги турларда етказиб берилади :

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Пиёз	кг	3000	3000	9000000
2					
3					
Жами :					

2. ХИСОБ-КИТОВ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Маҳсулот учун тулов пул утказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2. Харидор шартнома умумий суммасининг 30 % яъни 2700000 сўмини аванс тариқасида шартнома тўлиқ кучга кирган кундан бошлаб 5 банк иш куни мобайнида, қолган яъни 6300000 сўмини маҳсулот етказиб берувчи маҳсулотни етказиб берган кундан бошлаб, 10 банк иш куни давомида маҳсулот етказиб берувчининг банк ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маҳсулотлар учун нарх ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланган нархлар асос қилиб олинади.

2.4. Агар Давлат назорат органлари томонидан утказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган маҳсулотларига белгиланган нархлар юқори деб топилса, ушбу фарк "Сотувчи" зиммасидан қопланади.

2.5. Шартнома суммасидан ортиқ маҳсулот етказиб берилганда ("Харидор" оғохсиз бажарилганда) ҳисоб - китоб "Харидор" томонидан амалга оширилмайди.

3. МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ.

3.1. Маҳсулот етказиб берувчи маҳсулотни ҳисоб рақамга аванс маблағ қилиб тушгандан 5 банк иш кунида етказиб беради.

3.2. "Харидор" шартномада белгиланган маҳсулотларни муассасаларга сифатли ҳамда бут ҳолда олиб кетади ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

3.3. Етказиб берилган маҳсулот учун маъсул шахс томонидан ҳисоб-вароқ фактурага қабул қилганлиги тўғрисида имзо қўйиб олган вақтдан бошлаб Харидор мулкига айланади.

4. МАҲСУЛОТНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ.

4.1. Буёртмачи ваколатли шахс қабул қилиб олиш жараёнида маҳсулотнинг ишга яроқлилигини сифатини, микдори жиҳатдан шартномага мос келишини текшириб олиши лозим. Маҳсулот тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг маҳсулотни сақлаш жавобгарлиги Харидор ваколатли шахс зиммасига ўтади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТИ.

5.1. "Сотувчи" "Харидор" томонидан юборилган вакил, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган. ҳамда юмалок муҳр босилган ишонч қоғози кўрсатилгандан сўнг маҳсулот беради.

5.2. "Сотувчи" маҳсулотни сифатини тасдиқловчи ҳужжат (мувофиқлик сертификати ва санитария-гигиена сертификати, хулосаси ва ҳаказолар). ҳамда маҳсулотдан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги маҳсулотларни етказиб беришга қафолат беради.

5.3. "Сотувчи" ҳужжатлар тугри расмийлаштирилишини ўз зиммасига олади. ҳамда маҳсулотларни муассасаларга етказиб беради.

5.4. "Харидор" шартномада кўрсатилган маҳсулотни сифати талабга жавоб берган ҳолатдагина уни қабул қилиб олади.

5.5. "Харидор" қабул қилиб олган маҳсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниқлаган ҳолда, "Сотувчи"га ёзма далолатнома (АКТ) юборади, ҳамда сифатсиз деб топилган маҳсулотни "Сотувчи"га қайтариб беради.

5.6. "Сотувчи" "Харидор"га унинг ишонч қоғозида қайд қилинган маҳсулотлар беради. Агар "Сотувчи" томонидан "Харидор"нинг ишонч қоғозида кўрсатилмаган маҳсулотларни, ёки маҳсулотларни ишонч қоғозида белгиланган микдоридан ортиқ берган ҳолларда бу маҳсулотлар учун "Харидор" томонидан ҳақ тўланмайди.

5.7. "Сотувчи" томонидан "Харидор"га сифатсиз ёки сертификатсиз маҳсулотлар етказиб берилса, бу маҳсулотлар "Сотувчи"га қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ тўланмайди.

5.8. "Сотувчи" етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб - варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ расмийлаштириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб - варақлар бўйича тулов амалга оширилмайди.

